

**АВЛОДЛАР АЛМАШИНУВИНИНГ СОЦИАЛ МУАММОЛАРИ:  
“ЙЎҚОТИЛГАН АВЛОД” ТЎҒРИСИДАГИ БАҲС-МУНОЗАРАЛАР ҲАҚИДА**



**Комил Кулахматович КАЛАНОВ**  
*социология фанлари номзоди, профессор*  
*Социология кафедраси мудири*  
*Ўзбекистон миллий университети*

**Аннотация**

Мақолада муаллиф “авлод” тушунчасига оид эмпирик ёндашув услублари ва авлоднинг жамиятдаги социал ўрни, социал жараёнларга тобеълик синдроми, авлоднинг ўзини баҳолаш блоки ҳақида тўхталиб ўтади.

**Калит сўзлар:** авлодлар алмашуви; авлод чегараси; ижтимоийлашув; ворисийлик; социал хотира; авлод синдроми; генеалогия; тарихий-маданий жараёнлар.

**СОЦИАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СМЕНЫ ПОКОЛЕНИЙ: ДИСКУССИЯ О  
«ПОТЕРЯННОМ ПОКОЛЕНИИ»**

**Комил Кулахматович КАЛАНОВ**  
*кандидат социологических наук, профессор*  
*заведующий кафедрой социологии*  
*Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека*

**Аннотация**

В статье автор раскрывает социальную роль поколения в обществе и методы эмпирического подхода к понятию “поколение”, а также анализирует самооценку поколенческого уровня и синдром зависимости от социальных процессов.

**Ключевые слова:** смена поколений; разница между поколениями; социализация; преемственность; социальная память; поколенческий синдром; генеалогия; историко-культурные процессы.

**SOCIAL PROBLEM OF GENERATIONS: DISCUSSION ABOUT  
THE "LOST GENERATION"**

**Komil Kulakhmatovich KALANOV**  
*Candidate of Sociological Sciences, Professor*  
*Head of the Department of Sociology*  
*National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek*

**Abstract**

The author reveals the social role of generation in society and methods of empirical approach to the concept of “generation”, as well as analyzes the self-assessment of the generational level and the syndrome of dependence on social processes.

**Keywords:** generation exchange; border of generation; socialization; inheritance; social memory; generation syndrome; genetic aspects; historical-cultural processes.

Авлод ичида ва ёки авлодлар ўртасидаги муносабатларни социологик тадқиқ этиш, мавжуд жараённинг давомийлик даражаси ҳамда истиқбол кўрсаткичларини аниқлашга ёрдам беради. Авлодлар ўртасидаги ворисийлик ёки ихтилофларнинг вужудга келиши, биринчи навбатда даврий ҳолат билан боғлиқ бўлиб, кўпинча у авлодларнинг ўзаро тўқнашуви чоғида содир бўлади. Истиҳола қилган ҳолда, авлодлар ўртасида юзага келадиган тўқнашувларни инкор этсак, биз жамиятда содир бўладиган долзарб социал муаммоларнинг биридан кўз юмган бўламиз. Шу сабабли бугунги жамиятшунос олимлар, хусусан социологларнинг асосий вазифаларига авлодлар тўқнашувини зиддиятга эмас, балки ворисийликка айлантиришлари тараққиётнинг муҳим шартларидан бири бўлиб қолишини таъкидлаган бўлар эдик.

2016 йилнинг 16 июн куни Kun.uz сайтида журналист Шерали Мамадетсоевнинг “Йўқотилган авлод ёхуд 11 йиллик таълим тизими атрофида кечган ўйлар” мақоласи эълон қилинди ва у бир қанча бахс-мунозараларга сабаб бўлди (1). Авлодлар мавзуси ҳамма даврларда ҳам долзарб бўлганлиги боис, ушбу мақола Ўзбекистон жамиятида кечаётган ислохотлар даврида жиддий тадқиқотлар олиб боришни талаб этади. Муаллифнинг «Аmmo аччиқ ҳақиқат шундаки, мен ҳам кўпчилик каби шу вақтгача ҳақиқат кўзига тик қарай олмадик. Натижада кўп нарса йўқотдик, ҳа, жуда кўп нарса — бутун бир авлодни йўқотдик. Аниқроқ айтиш ҳам мумкин, одоб-ахлоқ емирилди, ёшлар ўртасида бир неча салбий кўрсаткичлар, жумладан, жинойatchилик ҳам орtdи, вояга етмаган гўр ёшлар илк марта ўқишга киришдаги ва баҳолашдаги таъмагирликни ҳамда бандликни таъминлашдаги кўзбўямачиликнинг бевосита гувоҳига айланишди, бу уларнинг мурғак онгида қанчалик асорат қолдирганини ўйлашнинг ўзи даҳшат»(4), деган фикрлари билан 10 минглаб ўқувчилар танишиб чиққанлигини эътиборга олиб, авлодлар алмашинуви муаммосини социологик жиҳатдан талқинини бериб ўтмоқчимиз.

Европа Иттифоқи мамлакатларида кексалар сони ортиб бораётганига қарамай, “кўхна қитъа” ҳамон “ёшлар қитъаси” сифатида қайд этилади. Сўнгги вақтларда таълим олишдан бебаҳра, иш топа олмаётган ёшлар ҳақида кўп гапирилмоқда. Германия канцлери Ангела Меркель 2013 йилда The Guardian нашрига берган интервьюсида ёшлар ўртасидаги ишсизликни “Европанинг энг долзарб муаммоси” сифатида таърифлаганди. У Европа мамлакатларининг ҳукуматлари “Йўқотилган авлод” пайдо бўлишига йўл қўймаслик мақсадида Германия

тажрибасидан фойдаланиши лозимлигини таъкидлаганди. Германия тажрибаси шундан иборатки, бу мамлакатда талабалар бир вақтининг ўзида таълим олади ва иш билан машғул бўлади. “Йўқотилган авлод” (французча *Génération perdue*, инглизча *Lost Generation*) — Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари оралиғида пайдо бўлган ибора бўлиб, бир қатор ёзувчиларнинг ижодида ўз аксини топган. “Йўқотилган авлод” деганда 18 ёшида урушга кетиб, одамларни ўлдиришга жалб қилинганлар тушуниланган. Урушдан кейин улар одатий ҳаётга мослашишлари қийин кечган. Уларнинг кўпчилиги ўз жонига қасд қилган бўлса, бошқалари ақлдан озган эди. Ибора муаллифи Гертруде Стайн экани айтилади. Ушбу атамани илк бор Эрнест Хемингуэй ўзининг “Фиеста” деб номланган романида Г.Стайннинг “Сизлар барчангиз йўқотилган авлодларсиз” деган машҳур иборасини эпиграф сифатида келтиради. 1930–1931 йилларда Эрих Мария Ремарк “Қайтиш” (“*Der Weg zurück*”) деб номланган роман ёзади. Унда Биринчи жаҳон урушидан қайтган аскарнинг ҳаёти қаламга олинган. “Уч ўртоқ” романида эса йўқотилган авлод тақдири ҳақида ҳикоя қилади. Таҳлилчиларнинг фикрича, Биринчи жаҳон уруши тугаганига салкам бир аср бўлди. Аммо бугунги ёшларни ҳам ўша давр аскарларининг ҳаётига қиёслаётганлар бор. XXI асрнинг “йўқотилган авлоди” пайдо бўлишига ишсизлик сабаб бўлаётгани тан олинади (8).

Социология соҳасида “авлод” мавзусига бўлган эътиборнинг ортишига туртки берган жараёнларга иккита сабабни асос қилиб кўрсатиш мумкин: а) *тарихий жараён*, бунда инсоннинг тарихий-маданий хотираси қобиғида шаклланган ўзликни англаш (идентичность)га бўлган интилишнинг ортиши ва б) *социал жараён* – глобаллашган дунё ва ундаги ахборотлар оқимининг мавжуд воқеликларга кўрсатаётган таъсир кучидан ҳимояланиш (мафкуравий иммунитет). Россиялик тадқиқотчи Б. Дубин “авлод” тушунчаси тўғрисида қуйидаги фикрни билдиради: “Умумий дастлабки нигоҳ билан қарашда авлодни социал алоқанинг шакли ва ҳаракатдаги индивидлар рамзий бирдамлигининг фокуси сифатида тасаввур қилиш мумкин: бунда сен (мен) бошқалар, яъни, худди “ўзинг” сингарилар билан горизонтал ўқ бўйича хаёлан бирдек кўринишнинг меъерий чегарасини ташкил этаётганини ҳис қиламиз”(2, 64). Бунда социологик қоидалар асосида “авлод” категорияси ва унинг чегараси тўғрисидаги тасаввурларнинг кўрсаткич бирлигини ажратиб кўрсатиш лозим бўлади. Жумладан, бир авлод ўз ўрнини иккинчисига бўшатиб бераётганда, у билан биргаликда фаолият юритган социомаданий меъёрлар, аниқроғи бир неча ёндош авлодларни даврий бирлаштириб турган

умумий рамзлар ҳамда рамзий ифодалар ҳам эскиришини қайд этиш лозим бўлади. Бу хусусда немис социологи К.Мангейм шундай ёзади: “Ҳар бир авлоднинг ўз вақт ўлчови ва тарихий-маданий макони мавжуд. Жамиятда авлодлар алмашинуви – инсон ҳаётининг биологик суръатига асосланган универсал жараён саналади. Унинг натижасида маданий маконда янги иштирокчилар пайдо бўлади, бу маконнинг эски актёр (иштирокчи)лари эса секин-аста йўқолиб боради; исталган авлод аъзолари тарихий жараённинг хронологик чекланган бўлагидаҳаракат қила олади ва шунинг учун тўпланган маданий меросни кейингиларга тинимсиз узатиб бориш лозим”(5).

Савол туғилиши мумкин, “авлод”нинг “ёндош авлод”дан фарқи нимада? Авлод – бу даврий кўрсаткич бўлиб, у маълум бир даврнинг қанчалик узок ёки қисқа давом этишига қарамай, унда социал фаолият юритган кишилар гуруҳига нисбатан ишлатилади. Ёндош авлод эса ўзида демографик кўрсаткичларни ифодалайди. Масалан биз, “бугунги Ўзбекистоннинг мустақиллик даври болалари” деган тизимга 10 ёшликлар билан биргаликда 20 ва 25 ёшдаги кишилар гуруҳини ҳам киритишимиз мумкин. Мумтоз жаҳон социологлари В.Дилтей ва М.Вебер авлодлар тарихи ва ундаги муносабатларни таҳлил қилар эканлар, инсонлар ҳаётида “моддий” ва “маънавий” категориялар алоҳида аҳамият касб этишини исботлайдилар. Кейинчалик, Э. Дюркгейм, К. Мангейм ва Х. Ортега-Гассетлар оила-никоҳ ва авлод муносабатларида “социал” категориясининг ўта муҳим аҳамият касб этишини ёзадилар (3; 5, 572–571; 7, 233–403). Хусусан, К. Мангейм “авлодлар иттифоқи” атамасини қўллайди. Ортега ўз асарларида социумдаги мавжуд қадриятлар ва уларнинг авлодлар тарихида тутган ўрнини таҳлил этади. У авлодлардаги биологик ва социал ўзгаришларнинг инсон танасида 15 йил “қадам” асосидаги миқдорий ўзгаришлар билан баҳолайди, яъни 15–30 ёш ёшлик, 30–45 ёш – ташаббуслар даври, 45-60 ёш – “ҳокимиятга боғланиб қолиш” даври (7, 235), деган изоҳни илгари суради.

Даврий нуқтаи назардан олиб қараладиган бўлинса, авлодлар тарихини Ғарбнинг индивидуаллик ва Шарқнинг жамоавийлик позициясидан туриб таҳлил этиш XX аср социологлари Х. Беккер, Х. Шуман, Ж. Скот, Д. Кертцер ва Т. Шанинларнинг асарларида ўз ифодасини топади. Жумладан, Д. Кертцер миграция жараёнларининг авж олиши натижасида “авлодлар ажралишуви” атамасини ишлатади, Х. Беккер илмий техникавий тараққиётдан келиб чиқиб “авлодлар ўртасидаги мақом (статус) ва касбларнинг ўзгаришини эътироф этади. Т. Шанин шўролар даври авлодларини “уруш ва турғунлик йиллари авлодлари” (9; 10) га ажратиб таҳлил этади. Шўро тузуми даврида маълумки, коллективлаштириш даври, катағончилик даври, уруш йиллари даври,

кейинроқ эса 60 йиллар “шестидесятники”, 70-йиллар ёки “турғунлик йиллари”, ҳамда 80 йилларнинг иккинчи ярмидаги “қайта қуриш” даври авлодлари ва уларнинг дунёқарашлари тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилади. Ҳар бир даврнинг руҳини шартли равишда “тақдир” билан қиёсласа бўлади. Қайсидир бир авлод маълум бир даврда яшаб, ўзининг бахтли ўтмиши билан фахрланса, яна қайсидир бир бошқалари, ўз ўтмишларидаги аччиқ қисматни эсга олишни ҳам истамайдилар. Лекин унутмаслик керак, бахтли даврни ҳам, ўша аччиқ қисматлар даврининг “ижодкор”лари ҳам шу даврга мансуб авлодлар бўладилар. Бизнинг фикримизча, тарихий даврнинг бахтли йиллари ёки аччиқ қисматли бўлишига асосан шу даврнинг етук авлодлари сабабчи бўладилар.

Ўзбекистон шароитидан келиб чиқадиган бўлсак, мамлакатнинг мустақилликни қўлга киритганига қарийб 25 йилдан кўп вақт бўлди. Авлодлар орасидаги фарқни берадиган даражани 10 йил муддатли “қадам” билан ўлчайдиган бўлсак, бугунбиз учинчи авлоднинг фаолиятини кузатишимиз мумкин. Биринчи авлодни “ўтиш даври” билан қиёсласак, иккинчи авлодни бутун дунёда кечаётган глобаллашув ва ахборотлар асри таъсиридаги “авлод” сифатида тасаввур қилишимиз ва сўнгги учинчи авлодни эса “янги ислохотлар даври авлодлари” сифатида олишимиз мумкин.

Истаймизми-йўқми, жамият доим ривожланишда экан, бизнинг ҳоҳиш-истакларимизни баъзи вақтларда ҳар доим ҳам тўлиқ намоён этмайдиган янги авлод шаклланиб бораверади. Бир авлод ичидаги авлодлараро зиддиятлар улар ўртасидаги социал алоқаларни бузилиши ёки мустаҳкамланиши омили бўлиши мумкин. Катталарнинг ёш авлодга салбий муносабати ва улар ўртасидагизиддият қадим даврлардан мутафаккирларнинг диққатини жалб этиб келган. Масалан, Сократ ўз замонаси ёшларининг ёмон одатлари, катталарни ҳурмат қилмаслиги, ота-оналари билан гапталашиши, ўқитувчиларни азоблашидан нолиган. Авлодлар ўртасидаги зиддиятлар кўплаб бадиий асар ва педагогикага оид рисолаларда тасвирлаб берилган. Шундай бўлсада, авлод категорияси ва унинг социал динамикасини тадқиқ этиш зараурияти бугунги миллий социология олдида муҳим долзарб вазифаларни юклайди.

Энди, айрим мутахассислар томонидан коллеж-лицей таълимидан ташқари яна 11 йиллик ўрта-махсус таълимнинг ҳам фаолият юритиши ва Камолот ЁИХнинг Ўзбекистон ёшлар иттифоқига айлантирилиш жараёнларини авлодлар алмашинувидаги ворисийлик тамойилларига боғлашни таклиф этардик. Зеро, биринчи ва иккинчи авлодларни “йўқотилган авлод” сифатида зинҳор эътироф этмаслигимиз керак. Чунки

давр шиддат билан тараққий этмоқда ва бунда ҳар қандай жамият тез суръатларда ислохотларга мослашиши шарт бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Акс-садо: “Коллежларда ўқиган авлод йўқотилди”, дейиш кўр-кўрона ҳукм қилишдир // Жамият 21 Июнь 2017. 13313.
2. Дубин Б. Поколение: смысл и границы понятия // Отцы и дети: Поколенческий анализ современной России. – М.: Новое литературное обозрение, 2005. – С. 61–80.
3. Дюркгейм Э. О разделении общественного труда. – М., 1996. – С. 256–309.
4. Мамадетсоев Ш. Йўқотилган авлод ёхуд 11 йиллик таълим тизими атрофида кечган ўйлар // Kun.uz, 2016 й. 16 июнь.
5. Мангейм К. Идеология и утопия. – М.: ИННОН, 1976. – 704 с.
6. Мангейм К. Консервативная мысль: // Диагноз нашего времени. – М., 1994. С. 572–671.
7. Ортега-и-Гассет Х. Вокруг Галилея: Избр. Труды. – М., 1997. – С. 233–403.
8. Тўлаганов Ш. XXI асрнинг “Йўқотилаётган авлоди” // [www/http: Жаҳон](http://www.uzjournal.com) 29 Март 2016// 2029
9. Шанин Т. Революция как момент истины. 1905–1907–1917–1922 гг. – М., 1997. – 558 с.
10. Фицпатрик Ш. Сталинские крестьяне. Социальная история Советской России в 30-е годы: деревня. – М., 2001. – 422с.